

Тақдимот: «Руҳий тарбия» туркумининг илк жузи қозоқ тилида!



16:17 / 15.11.2025 510

Фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг «Руҳий тарбия» асарларининг илк жузи қозоқ тилига таржима қилингани ҳақида аввал хабар берган эдик.

Бугун, 15 ноябрь куни Қозоғистон Республикаси Олмаота шаҳридаги Нур Муборак университетида ушбу асарнинг қозоқ тилига таржима қилинган илк жузининг тақдими ўтказилди.

Тақдимотга уламолар, аҳли илм устозлар, таржимонлар, маърифий соҳа мутахассислари ва китобхонлар ташриф буюрди.

Таржима ишига раҳбарлик қилган Оралхан Сайдманов тақдимот маросимида бош-қош бўлиб, меҳмонларни хурсандчилик билан қаршилади.

Имомларни тарбиялаган Қуттиқиз ҳожи ая китобнинг таржима қилиш тарихи, иш жараёнлари билан ўртоқлашиб, асарнинг муҳим жиҳатларига тўхталиб ўтди. Ҳожи ая шайх ҳазратларининг маърузаларини эшитиб, асарларини ўқиб, ўрганиб, уни амалиётга татбиқ қилиш асносида бугунги кунда кишилар руҳий тарбияга нечоғлик мухтож эканини ҳис қилган ҳолда қозоқ халқига «Рух тербиеси» номли китобнинг илк жузини тақдим этди. Китобнинг «Покланиш» номли биринчи жузини таржима қилиш жараёнида ҳожи аяга келинлари Самал хоним ҳамроҳлик қилди. Таржима ишига Оралхан Сайдманов раҳбарлик қилган. Асарнинг иккинчи жузи ҳам таржима қилиш жараёнида экан.

Тадбирга ташриф буюрган меҳмонлардан бири устоз Эрлан Акатаев руҳий тарбия ҳақида, унинг бугунги кундаги аҳамияти нақадар муҳимлиги борасида сўз очиб, керакли тавсия-насихатлар берди.

Китоб муаллифи фазилатли шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг шогирди устоз Рисқулбек Каримбеков эса замонамиздаги руҳий инқирознинг сабаблари ҳақида ва уларнинг ушбу китоб орқали муаммоларга жавоб топиш мумкинлиги ҳақида маъруза қилди.

Тақдимот якунида китобни таржима қилиш жараёнида жонбозлик кўрсатган барча ташаббускорларга, таржимонларга ташаккур изҳор этилиб, ҳақларига хайрли дуолар қилинди.

Дарҳақиқат, нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллаш дунёдаги энг муҳим ишлардан саналади. Бу муҳим ишга динимизда алоҳида эътибор берилган.

Асарда мўминларнинг нафсларида, яъни шахсиятларида фазилатларни касб қилдириш ва уларни разолатлардан холи қилиш ҳақида сўз боради.

Бу борада «нафс» сўзи билан бирга «қалб», «руҳ» деб аталадиган маънолар ҳам катта аҳамият касб этади.

Аллоҳ таоло барчамизга нафсларни солиҳ амаллар билан поклашга диққат қилувчилардан ҳамда гуноҳ-маъсиятлардан узоқ бўлишга интиладиган ҳарис бандалардан қилсин!